

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг 6-сон
Қ А Р О Р И

2022 йил 5 май

Тошкент шаҳри

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб - “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг ички корпоратив ҳужжатларини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

Қун тартибидаги масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар киритилган. Жумладан, акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари аъзолари ва бошқаруви аъзоларининг сайлаш ҳамда тайинлаш муддатлари бир йилдан уч йилга узайтирилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги Фармонининг:

15-бандида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида 2022 йил 1 апрелдан кейин ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмаслиги;

19-бандида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда ушбу корхоналар кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилиши;

9-иловасининг 25-бандида давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятида ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўймаслик ва ижро органи раҳбари ва бошқарув

аъзоларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиар жавобгарлигини улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида кўзда тутиш белгиланган.


Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Уставига, Кузатув кенгаши тўғрисидаги ва Ижро органи тўғрисидаги низомларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиб уларнинг янги таҳрирларини тасдиқлаш мақсадга мувофиқ.

Ушбулардан келиб чиқиб “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Ягона акциядори, қарор қилади:

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги ва Ижро органи тўғрисидаги низомлар янги таҳрирлари 1-3 иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг бошқарув раиси М.А. Илхамов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг
биринчи ўринбосари



О.Насритдинходжаев